Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 73 (3574)
30 ПАЙШАНБА МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

◆ УЙ МУБОРАК!

КВАРТАЛ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

БУГУН

Октябрь районидаги Уйғур кўчасида қад кўтараётган, «Марказ—26» кварталида яна 5 та тўрт қаватли уй фойдаланишга топширилди. 1 Май байрами арафасида бу ерда ҳамшаҳарларимизнинг уй тўйлари ўтказилади.

Янги кварталда қурилиш ишлари ой сайин кенг қулоч ёзиб бормоқда. «Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трестига қарашли «Ташросстрой», «Ташмосстрой» бошқармалари бу ерда кенг кўламда бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда.

Бинокорлар СССР Конституциясини и н г бир йиллигига бу ерда 139 минг квадрат метр уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш ниятидалар.

Трест азаматлари йил охирига қадар 672 хонадонга қувонч бахш этадиган 21 та тўрт қаватли янги бинони давлат комиссиясига тақдим қилиш учун бутун имкониятларни ишга соляпти.

Б. МУРОДАЛИЕВ.

БУНКЕР «ЗАЛВОРЛИ» БЎЛМОҚДА

Урта Осиё Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг олимлари пахтачилик учун машиналар ясаш билан шуғулланувчи Давлат махсус конструкторлик бюросининг коллективи билан ҳамдўстликда терим машиналари учун пахта шиббаловчи мослама яратдилар. Мотор орқали ишлайдиган махсус механизм бункерга 700 килограмм ўрнига 1050 килограмм пахта сиғдиришга имкон беради. Шу билан терим машинасининг унумдорлиги 10 процент ошади.

Янгилик Урта Осиё машина-синаш станциясининг ижобий баҳосини олди ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия қилинди.

(ЎзТАГ).

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — БЕШ ЙИЛЛИККА!

22 апрель—коммунистик шанбалик куни

ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁ ҲИСОБИГА

«Главсредазирс о в хозстрой»нинг қурилиш материаллари саноати трестига қарашли Тошкент ёғочни қайта ишлаш комбинати коллективи ҳам Москва шаҳридаги корхоналарнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишлаб 22 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини яқдиллик билан қўллаб кутиб олдилар.

«Қизил шанбалик» ўтказиш штабининг раиси, комбинат директори М. Яҳёевнинг маълум қилишича, 22 апрелда 250 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи анъанавий коммунистик меҳнат байрамида актив қатнашишга аҳд қилишган.

Шу куни юксак унум билан меҳнат қилишга аҳдлашган дурадгорлар оширилган мажбуриятлар олишмоқда. Масалан, коммунист Т. А. Аҳмаджонов бошчилик қилаётган 2-цех коллективи, кекса коммунист, мураббий И. Н. Луценко бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари «қизил шанбалик»да кундалик нормани 120 процент бажариш истагини изҳор этишди.

Қўриқ ерларда бунёд этилаётган янги совхозлар учун қурилаётган уй-жойлар, мактаб, болалар боғчалари, шифохоналар, маданий-маиший бинолар учун эшиклар, дераза томлари, пол тахталари, турли рейкалар тайёрлаб бераётган комбинат коллективи шу куни тежалган материал, хом ашё ва электр энергияси ҳисобига ишлаб, 13 минг 600 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Хизматчилар, транспорт ходимлари комбинат ҳовлиси ва атрофида ободонлаштириш ишларини амалга оширади. Тўпланган темир-терсаклар шу куниёқ юк автомашиналари орқали «Вторчермет» базасига топширилади.

Шу кунги 800 сўмдан ортиқроқ иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. НАЖМИЙ.

ДМИТРИЙ КРАПИВИННИНГ БАЙРАМИ

Бу душанба куни одатдагидек бошланди. Лекин «Подъёмник» заводи 1-механика цехининг термисти Дмитрий Васильевич Крапивин смена бошланишидан 20 минут олдиноқ иш жойида эди. У асбоб-ускуналарнинг созлигини текшириб чиқди, қандай деталларни ишлаши керак лигини кўздан кечирди. Ушандан кейин юқори частотали установкада тўғри иш режимини танлади.

Ниҳоят, тайёргарлик ишлари тугади. Крапивин установкани ишга тушириб, токарлик станогига ўтди. Бир маҳалда тобланиш қандай бораётганлигини кузатиш ҳамда токарлик ишини бажариш ҳар нимнинг қўлидан келмайди. Лекин корхонада ҳар бир нечта йилдан буён бошчилик қилиб келаётган Дмитрий Васильевич учун бу одатдаги иш бўлиб қолган. У токарлик станогида, шунингдек чархлаш, тиш чиқадиган пармалаш ва бошқа станокларда жуда яхши ишлай олади.

Дмитрий Васильевич ишлайдиган жойга тушлик танаффусдан олдин завод раҳбарлари, цехда бирга ишлайдиган ўртоқлари келишуна Крапивинларга тенглашишга интилмоқда,— дейди завод партия комитетининг секретари А. Х. Холмуродов.— Заводда юздан ортиқ киши 3—4 тадан станокда ишлайди. «Подъёмник» заводи коллективи беш йиллик бошидан буён 2931 кўприк крани, яъни планда мўлжалланганидан 10 та кўп кран ишлаб чиқарди. Бу ишларнинг ҳаммаси станок парки кенгайтирилмаган ҳолда, ишчиларнинг сонини кўпайтирмасдан бажо келтирилди. (ЎзТАГ).

Республикамиз қишлоқ механизаторларига кўплаб подшипниклар тайёрлаб бераётган подшипниклар ремонти заводи меҳнат аҳли ўртасида беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган ишчилар сафи тобора кенгаймоқда. Мана бу фотолавҳада ана шу ташаббусга қўшилган зарбдор сараловчи коммунист Муяссар Маҳкамовани кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

РИМДАГИ ЎҒИРЛИК

Италиянинг таниқли сиёсий арбоби, Христиан-демократик партия миллий кенгашининг раиси Альдо Моро ўғирлаб кетилганлиги сабабли мамлакатда рўй берган таҳликали мушкул азият ҳамон давом этмоқда. Ўғирлик содир бўлгандан бери ўтган қарийб икки ҳафта давомида жиноятчиларнинг изига тушишга муваффақ бўлинмади. Италиядаги газеталар жиноятнинг ипи, эҳтимолки, чет элга бориб тақалар, чунки ўғриларнинг услуби «ўзларини ўта сўллар деб кўрсатувчи ўнг унсурларнинг услубига» ўхшайди, деб таъкидламоқдалар.

Салкам икки ой давом этган ҳукумат тангликлари теварагидаги эҳтиросларнинг ҳали тинмаган кунларда Римда ана шу жиноят содир бўлди. Кун-кеча тузилган Италиянинг янги сиёсий раҳбарлиги парламентдаги кўпчиликка таяна бошлади, бу раҳбарлик органига христиан-демократлар ва бошқа партияларнинг вакиллари билан бирга кейинги ўттиз йил мобайнида биринчи марта Италия Коммунистик партиясининг аъзолари ҳам кирдилар. Ана шундай шароитда яна мушкул вазият келиб чиқди.

Кенг миқёсда режалаштириб қўйилган фитна амалга оширилди, фашистларга тарафдор кучлар ва ғарб мамлакатларининг шу кучларга раҳбарлик қилиб турган разведкалари, НАТО агрессив доираларининг вакиллари бу фитнага бош қўшганлар, деган фикр кун сайин тобора қатъият билан баралла айтилмоқда.

Уларнинг мақсади— Италияда кўрқув, асабийлик ва кескинлик вазиятини келтириб чиқаришдан, конституция воситалари ёрдамида тартиб ўрнатиш мумкинлигини шубҳа остида қолдиришдан, коммунистларга ва бошқа сўл кучларга бўлган ишончга путур етказишдан, янги фашистларнинг ҳаракатига ёрдам беришдан иборат. Италия матбуоти ҳозирги тангликдан НАТОнинг Неаполдаги қароргоҳи теварагига тўпланиб олган ўта ўнг унсурлар ҳам, шунингдек Мао гоялярини қўллаб-қувватлаган ўта сўл гуруҳлар ҳам фойдаланиб қолишга интилмоқдалар, деб таъкидламоқда.

Шарҳловчилар Моронинг ўғирлаб кетилиши сабабли келиб чиққан тангликни АҚШнинг коммунистлар давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши мақбул эмас, деб Ғарбий Европа мамлакатларини «огоҳлантириш» билан ноқулай вужудга келганлиги фактини уқтириб ўтмоқдалар. Римда отилган ўқ овозлари Қўшма Штатларда ва НАТОнинг бошқа мамлакатларида кескинликни юмшатишга қарши бошланган кампанияга жўр овоз бўлди.

Римда содир бўлган ҳамда демократия ва социал тараққиёт кучларига қарши қаратилган сиёсий жиноятга итальян меҳнаткашлари тўғри баҳо бердилар. Мамлакатда намойиш ва митинглар, забастовкалар бўлиб ўтмоқда, уларнинг қатнашчилари «Террорчиликка йўл йўқ!» деган шиорларни айтмоқдалар, республика тузумини ва демократик ғалабаларни ҳимоя этишни талаб қилмоқдалар.

В. ЧЕРНИШЁВ,
ТАСС шарҳловчиси.

БУТУН КОЛЛЕКТИВ ҚАТНАШАДИ

«Ташавтоматика» заводининг коллективи коммунистик шанбаликда қатнашишга яқдиллик билан қарор қилди. Шу куни 300 дан кўпроқ киши корхона цехларида ўз иш жойини эгаллайди. Улар 5.7 минг сўмлик — одатдаги иш кунидагига нисбатан қарийб минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Маҳсулотнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Асбобсозлик цехининг токари В. Демин ва йигувчилар бригадири В. Фролов ўз ўртоқларини ўз ғайрат билан ишлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга даъват этдилар. Уларнинг ҳар бири меҳнат байрамида смена топшириғини ошириб бажариш мажбуриятини олди.

Корхонада тузилган «қизил шанбалик» штаби кучларни жойлаштириш графигини ишлаб чиқди. территорияни ободонлаштириш ишлари ҳажмини белгилади.

Мастер ёрдамчиси Николай Фёдорович Завражневнинг каноп фабрикасида ишлаётганига 25 йил бўлди. У хизмат кўрсатаётган бригада сменага топшириқларини мунтазам 110 процентга етказиб бажаради. Бунда мастер ёрдамчисининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Аҳил бригада беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллигигача адо этиш мажбуриятини олган.

Р. Зеграгдинов фотоси.

ИЛҒОР ПОЙАФЗАЛЧИНИНГ ҲИММАТИ

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида «ВЛКСМнинг XVIII съездига — 18 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтказилаётган комсомолларнинг социалистик мусобақаси муваффақиятли бормоқда. Яқинда корхона комсомол комитетининг мажлисида зарбдор ҳафталикнинг натижалари якунланди. Бирлашманинг 6-цехидаги ёш пойафзалчи Малика Акбарова мусобақа ғолиби бўлди. У ишлаб чиқариш топшириқларини 130 процентдан аъло сифат билан бажаришга эришган.

Бирлашма комсомоллари ва ёшлари ВЛКСМнинг XVIII съездини муносиб армуғонлар билан кутиб олиш мақсадида ўз зиммаларига янги-янги мажбуриятлар олишмоқда. Наталья Бекирова бошчилигидаги заготовкачилар бригадаси съезд очиладиган кунгача муносиб меҳнат совғаларини тайёрлашга аҳд қилди. Қизлар съезд очиладиган кунгача топшириққа қўшимча 2150 жуфт пойафзални тайёрлаб беришга интилмоқдалар.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ҒАЙРАТИ

«ВЛКСМ XVIII съездига—18 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилаётган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомол-ёшлари рационализаторлик ва ихтиочрилик ҳаракатида ҳам актив иштирок этмоқдалар. Чунки, уларнинг кўпчилиги СССР Конституциясининг бир йиллигига қадар беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш учун курашмоқда. Шунинг учун ҳам улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун тинмай изланмоқдалар.

Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг учинчи йилида ижодий фикр кишилари жами 210 та ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини жорий этиб, 500 минг сўмлик фойда олишни кўзда тутганлар. Шу кунгача 35 та ихтирочилик ва рационализаторлик таклифи жорий этилиб, 55 минг сўмлик фойда олинди.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Ўнинчи беш йиллик ғолиби

«Главташкентстрой» 159-қурилиш трестига қарашли 9-бошқармасидаги Р. Х. Гайнуллин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Бинокорлар ўнинчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этдилар. Беш йилнинг планда белгиланган 714,7 минг сўм ўрнига қурувчилар 718,1 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Ўтган йилларга нисбатан меҳнат унумдорлиги 20 процент оширилди. Жуда кўплаб электрод, металл, электр қуввати тежаб қолинди. Бригада коллективи умумий ҳисобда 11556 квадрат метр уй-жой майдонларини фойдаланишга топширди.

Иш вақтидан унумли фойдаланиш, сменалар ўртасида вақт йўқотишни қисқартириш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини комплекс механизациялаш натижасида бундай муваффақиятга эришди.

Бригада коллективи ўзининг ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, СССР янги Конституциясини қабул қилинганлигининг бир йиллигига яна бир йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини бажаришга бел боғлади.

БИНОКОРЛАР МАМНУН

Пойтахтимиз қурилишларида Н. Злобин илғор иш методининг кенг оммалашуви биринчи навбатда объектларга қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб берилишига боғлиқ. Тошкент қурилиш материаллари бирлашмасига қарашли 3-ғишт заводи меҳнат аҳли бу масъулиятни яхши ҳис этади. Шунинг учун ҳам улар зўр уюшқоқлик билан ишлаб, буюртмаларни ўз вақтида бажариб. бинокорларни мамнун қилишмоқда. Айниқса З. Жўраев, У. Нигматуллин. И. Аҳметшин бошлик ғишт чиқарувчи бригадалар барчага намуна бўлишяпти. Бу коллективлар ҳар куни белгиланган 5700 дона ўрнига 6—7 минг дона ғишт чиқариб, топшириқни анча ортиғи адо этишяпти.

Корхона йил бошидан бери пойтахтдаги қурилиш объектларига 9 миллионта ғишт етказиб берди.

ҲУНАР ТАНЛАШГА БАҒИШЛАБ

Собир Раҳимов районидаги 119-мактабда ўқувчиларнинг касб танлашга бағишланган конференцияси бўлиб ўтди.

Бу маросимга 138, 139, 130, 33, 40-ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, мураббийлари ташриф буюришди.

Конференцияни мактаб директори Ф. Тоҳиров очди. Сўнгра Улуғ Ватан уруши қатнашчиси У. Усмонов ўз меҳнат фаолияти ҳақида, ўзи ишлаган «Компрессор» заводи коллективи ҳақида гапириб берди.

139-ҳунар-техника билим юртининг мастери Е. Соипов билим юртининг ҳаёти, ўқувчилари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилди.

Билим юрти вакиллари ёшларни ҳунар-техника билим юртларига ўқишга боришга даъват этишди.

Т. АЗИМОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

● **Область меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг лойиҳасини катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар.** Меҳнат коллективларида ўтказилаётган йиғилишларда ана шу муҳим сиёсий ҳужжат кизгин муҳокама қилинмоқда. Ишчилар. колхозчилаар ва хизматчилар республика ҳаётининг Асосий Қонуни бўлган бу лойиҳани маъқуллаш билан бирга уни демократия ва инсониятнинг манифести, бахтли эркин меҳнатнинг гимни. СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ифодаси деб билмоқдалар.

● **Республика касаба союз активлари иштироки билан область касаба союзлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди.** Унда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова «Жаҳон касаба союзларининг конгресси тўғрисида» доклад қилди.

Актив йиғилиши жаҳон касаба союзларининг конгресси ўтказилиши муносабати билан касаба союзлар олдида турган вазифаларни муҳокама қилди.

● **Ангрендаги «Резинотехника» заводида резина қотишмасини совутиш усулини ўзгартириш бўйича рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.** Бу янгиликдан бир йилда 47 минг сўм иқтисодий фойда олиш мумкин.

● **Янгийўлдаги босмахона ва ун заводи коллективи саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича квартал планини муддатидан илгари бажарди.** Ой охирига қадар босмахонада 25 минг сўмлик. ун заводида 225 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Янгийўл шаҳри саноати ҳам биринчи квартал планини адо этиб, топшириққа қўшимча 2,2 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилди.

● **Ўзбекистон қишин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатига янги толалаш машиналари ўрнатилди.** Натижада маҳсулот сифати ошиб, меҳнат унумдорлиги яхшиланди. Янгиликдан кўриладиган йиллик иқтисодий фойда ўн минглаб сўмдан иборат.

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

МУНОСИБ ҲИССА

Ҳозир шаҳримиздаги барча мактабларда баҳорги каникул кунлари ўтмоқда. Улар дам олиш билан бирга шаҳримизни янада обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Киров районидаги 27 та мактабнинг 26.500 ўқувчиси шу кунларда ўзларига биркитилган участкаларда янги хиёбонлар ташкил қилишиб дарахт кўчатлари ўтказишмоқда.

Ўқувчилар кўчалар. майдонлар. турар-жой массивларини намунали ҳолга келтиришда бир-бирларига ўрнак бўлишмоқда. Улар Юнусобод массивининг А—1 кварталидаги теплицаларда етиштирган ранг-баранг гул кўчатларини мактаб территориясига ўтказишмоқда. Улар ҳозиргача 250 туп дарахт. минг туп яшил тўсиқ ўтказиб бўлишди. Ҳаммаси яна 300 туп сальвия ва 50 дона атиргул ўтказишади. Ҳаммаси 247. 117. 9. 12. 220-мактаб ўқувчилари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

ИККИ КУНЛИК СЕМИНАР

Область партия комитетининг сиёсий маориф уйида партия ва комсомол сиёсий маорифи пропагандистлари учун икки кунлик семинар ўтказилди. У «Ривожланган социализмнинг конституцияси» ва «КПСС сиёсати— ҳаранатдаги марксизм-ленинизмдир» деган мавзуга бағишланди.

Семинарда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор А. А. Аъзамхўжаев, профессор А. М. Иўлдошев, Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринбосари В. А. Зотов, область партия комитетининг лекторн К. С. Тен ленцнялар ўқндилар.

Семинар қатнашчилари ўзларининг иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

● Халқ ижодкорлиги

МАШИНАСОЗЛАР БУЮРТМАСИ АСОСИДА

«Ташсельмаш» заводининг йиғув цехида тушлик танаффус чоғида совет Ватани, партия, жонажон Ўзбекистон тўғрисидаги, меҳнаткаш инсон ҳақидаги қўшиқлар янгради. «Радуга» вокал-чолғу асбоблар ансамбли концертини томоша қилиш учун ишчилардан уч юздан кўпроқ киши бу ерга келди. Бу сафар концерт программаси цех коллективларининг социалистик мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган йиғувчиларнинг буюртмалари асосида тузилган эди.

Социалистик мусобақа ғолиблари шарафига ҳаваскорларнинг концертларини уюштириш завод клуби бадиий ҳаваскорлик коллективлари учун яхши анъана бўлиб қолди. Ҳаваскор артистлар бундай концертларни ойнинг ҳар иккинчи шанбалигида қўйиб беришади. Бу кун завод графигига мувофиқ иш кунидир. Ҳаваскор коллективлар қуюв. механика. йиғув ва бошқа цехларда ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 29 март куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев поезд ўтиб борган йўллар — Кировда, Удмуртия АССР территориясида, Пермда бир оз тўхтаб ўтди. Леонид Ильич Брежнев тўхтаган жойларда уни шаҳар ва районларнинг аҳолиси сидқидилдан табрикладилар.

● Узбекистон саноат корхоналари коллективларининг 1978 йил биринчи квартали планини бажарганликлари ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Марказий статистика бошқармасининг ахбороти босилган.

КУБА. Орьенте вилоятидаги Ольгин шаҳри кенгайиб, ривожланиб боряпти. Утмишда жажжигина шаҳар ҳозир мамлакатнинг муҳим саноат марказларидан бирига айланган. Бу ерда саноат корхоналари, турар жой бинолари, мактаб ва болалар боғчалари, кинотеатрлар, магазинлар, касалхоналар қурилган.

Ҳозир барча кубаликлар қаторн ольгинликлар ҳам ёшлар ва студентларнинг бўлажак XI Жаҳон фестивалига тайёргарлик кўришмоқда.

СУРАТДА: ёшлар анжуманига тайёргарлик актнвистлари —шакарқамиш ўрадиган комбайнлар ишлаб чиқарадиган заводнинг ишчилари.

ТАСС фотохроникаси.

телетайп лентасидан

★ **СТОКГОЛЬМ.** Швеция касаба союзлари Марказий бирлашмасининг сафлари кенгайиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина касаба союзлар сафига 56 минг киши қўшилди. 1978 йилнинг бошида швед меҳнаткашларидан 2 миллиондан зиёд киши бу касаба союз бирлашмасига аъзо бўлди, деб хабар қиладн швед телеграф бюроси.

★ **ХЕЛЬСИНКИ.** Меҳнат министрлигининг расмий маълумотларига кўра, март ойининг ўрталарида 190 минг киши бутунлай ишсиз эканлиги рўйхатга олинди. Бу мамлакатдаги ишга яроқли аҳолининг 8.8 процентини ташкил этади.

★ **БАҒДОД.** Ироқнинг Дн-Кар вилоятида ирригация ва мелиорация ишлари авж олдириб юборилди. Бу ерда 12 та йирик лойиҳа амалга оширилади, жуда кўп тармоқ каналлари қурилади. Бу эса аввал энши учун яроқсиз бўлган қарийб 120 минг гектар ерни ўзлаштириш имконини беради.

★ **ИСЛОМОБОД.** Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилоятидаги Мардон округининг ҳарбий трибунали 63 кишини турли муддатларга қаттиқ режимли қамоқ ва жисмоний жазога ҳукм этди. Улар собиқ бош министр З. А. Бхутто устидан ўлим ҳукми чиқарилганлигига қарши Мардон ва Чоргулида ўтказилган нороз и л и к намойишида иштирок этганликлари учун жазога тортилдилар.

★ **ТОКИО.** Японияда ги йирик «Тэйдзин» тўқимачилик компанияси ходимларни ишдан бўшатажагини эълон қилди. Шу йилнинг апрель ойидан бошлаб икки йил давомида 2000 киши яъни компаниянинг ишловчи барча ходимларнинг 20 процентн ишдан бўшатилади. Бу тадбир бир қанча «фойдасиз» маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини тугатиш баҳонаси билан амалга оширилмоқда.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

МАМЛАКАТИМИЗ тарихида яна бир янги саҳифа очилди. Ривожланган социалистик жамият барпо қилинганлигини ўз сиҳфасида акс эттирган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Инсоният тарихида биринчи марта умумхалқ давлати ташкил топганлигини қонуний расмийлаштирган СССРнинг янги Конституцияси Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида қабул қилинди. Оламшумул аҳамиятга молик бу улкан тарихий-сиёсий ҳужжатда совет халқининг босиб ўтган зафарли йўлига якун ясалди ва коммунизм ғалабасига эришиш истиқболлари белгилаб берилди.

Конституция жамият ва давлат тузумини, халқ томонидан сайланилиб, унинг ваколатига талиб иш кўрувчи ҳокимиятнинг тўла ҳуқуқли органи бўлган Советлар, шунингдек, хўжалик ва социал-маданий ҳаётни бошқарув ҳамда адолатни амалга оширувчи ва қонунчилик устидан назорат қилувчи давлат органлари структураси ва компетенциясини белгиловчи, гражданларнинг эркинликлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ кўрсатиб берадиган мамлакатнинг Асосий Қонунидир. Конституция давлат суверенитетининг асосий белгиларидан бўлиб, унинг рамзидир. Шунга кўра, ҳар бир суверен давлат ўз Конституциясига эга бўлади, уни умумхалқ муҳокамасидан ўтказиб, халқ вакилларидан ташкил топган давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи органи томонидан тасдиқлаб олади.

Матбуотда эълон этилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси ҳам ана шу тарихда умумхалқ муҳокамасига тақдим этилиб, тўққизинчи чақириқ республика Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси тасдиғига қўйилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ярим асрдан ортиқ давр ичида қўлга киритган тарихий, оламшумул ғалабалари унинг асосий қонунларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини муваффақиятли равишда амалга оширишнатижасида Туркистон, Бухоро ва Хоразм Совет Социалистик Республикалари территориялари да яшовчи ўзбек халқини ягона бир миллий давлат сифатида бирлаштириш асосида 1924 йилнинг октябрида ташкил топди. 1925 йилнинг май ойида эса III Умумиттифоқ Советлар съездининг тарихий қарорига биноан ўзбек халқи олий эркининг ифодаси ўлароқ ихтиёрий равишда, суверен давлат сифатида СССР составига қабул қилинди.

Республиканинг биринчи Конституцияси 1927 йилда Ўзбекистон ССРнинг II Советлар съездида қабул қилинди ва унда Ўзбекистон ССРнинг СССР составида суверен давлат сифатида кўп миллатли Умумиттифоқ давлатига кирганлиги қонуний расмийлаштирилди. Ўзбек халқининг тарихида яна бир буюк воқеа содир бўлди. У СССР халқларининг қардошларча ёрдамига суянган ҳолда иқтисодий ва маданий қолоқликни тез суръатлар билан тугатиш, аграр мамлакатдан илғор индустриал республикага айланиш имкониятига эга бўлди. СССРда социализмнинг асослари қурилгач 1936 йил Конституцияси қабул қилинди. Шу асосда республиканинг олтинчи фавқулодда Советлар съездида 1937 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ўзининг иккинчи Конституциясига эга бўлди. Бу Конституция ғалаба қилган социализмнинг Асосий Қонуни бўлиб тарихга кирди. Шундан бери орадан 40 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Мамлакатимизда социализм узил-кесил ғалаба қилди ва жаҳон социалистик системаси вужудга келди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси СССРнинг ажралмас қисми, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганлиги учун СССР Конституцияси Республика Асосий Қонунининг йўналишини, бош асосларини белгилаб беради. СССРнинг янги Конституцияси мамлакат ичида ҳам, шунингдек халқаро майдонда ҳам рўй берган мазмунан чуқур ва ўз характери жиҳатидан хилма-хил бўлган гоят катта ўзгаришларни акс эттиради. СССР ривожланишининг янги, олий погонасига кўтарилганлигини, етук социализм босқичига ўтганлигини қонун тариқасида мустаҳкамлаб беради.

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси СССР Конституцияси ва унинг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев докладда баён қилган етук социалистик жамиятнинг характерли белгилари, коммунизм қуриш йўлида ривожланиш истиқболлари ҳақидаги янги назарий ва сиёсий хулосалар Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси учун асос қилиб олинди.

Мамлакатимизнинг социал-сиёсий негизида рўй берган турли ўзгаришлар Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида ўз ифодасини топди. Совет жамиятининг социал бирлиги қарор топганлиги, ишчилар синфи — бу жамиятнинг етакчи кучи бўлиб қолганлиги, пролетариат диктатураси тарзида вужудга келган Совет давлати эндиликда умумхалқ социалистик давлати бўлиб қарор топганлиги атрофлича илмий асосда таҳлил қилинган.

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида республикамизда иқтисодий ва маданий қолоқлик бутунлай ва абадий тугатилганлиги, феодал-патриархал тузумдан капитализмни четлаб социализмга ўтганлиги, эндиликда эса мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият барпо қилинганлиги қонуний расмийлаштирилган.

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси ўн бир қисм, йигирма бир боб, 183 та моддадан иборат бўлиб, унда республиканинг сиёсий системаси, иқтисодий асоси, социал-маданий тараққиёти, гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, иқтисодий-социал тараққиёт плани, давлат бюджети, Советлар ва уларнинг ижро этувчи бошқарув органлари, адолатни амалга оширувчи халқ қонунчилиги устидан назорат қилувчи, шунингдек халқ контроли ва шу каби давлат ташкилотларининг тузилиши принциплар ва ваколатлари батафсил баён қилинган.

Республикамизнинг амалдаги Конституциясидан фарқли ўлароқ лойиҳада Конституция тарихида биринчи маротаба тинчликни ҳимоя қилиш, оиланинг давлат ҳимоясига олинганлиги, гражданларнинг уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқининг гарантия қилинганлиги, хотин-қизлар ва ёш болали аёллар учун бериладиган ҳар хил имтиёзларнинг кенгайтирилганлиги социал таъминот, соғлиқни сақлаш, фан ва маориф учун давлат томонидан ажратиладиган маблағларнинг тобора орта боришини кўзда тутган янги «Давлат ва шахс», «Социал ривожланиш ва маданият» каби боб ва моддаларнинг киритилиши Совет Конституциясининг нақадар инсонпарварлик —гуманизм ғоялари билан суғорилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасининг миллий-давлат ва маъмурий территориал тузилишига бағишланган боби алоҳида эътиборга сазовордир. Унда республикамизда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси ўз аксини топган. Лойиҳанинг 68-моддасида: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси — суверен Совет Социалистик давлатидир» деб қайд қилинган.

Улуғ Ленин кўп миллатли Умумиттифоқ Совет давлатининг назариётчиси ва ташкилотчисидир. В. И. Ленин ССРни тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси, халқлар Иттифоқи, умумий иноқликни талаб қилувчи Иттифоқ деб таърифлаган эди. В. И. Ленин Совет республикалари давлат Иттифоқининг ихтиёрий асосда ташкил топишини, бунда Иттифоқ давлат суверен миллий республикаларнинг давлат мустақиллигини ҳимоя қилувчи ҳомий сифатида намоён бўлишлигини уқтириб ўтган эди. Кўп миллатли Совет давлатининг ана шу ленинча асосий принциплари ССРнинг 1924 йилда қабул қилинган биринчи Конституциясида ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

1936 йили ССР Конституцияси қабул қилингандан бери ўтган қирқ йиллик давр ичида мамлакатимизда миллий муносабатлар соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Революциядан олдинги даврдан бизга мерос бўлиб қолган миллий масала тўлақонли, тамомила ва узил-кесил ҳал этилди. Мамлакатнинг барча миллатлари ва элатлари мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади ва ҳар томонлама бир-бирига яқинлашди.

СССРнинг ярим асрлик тажрибасини умумлаштириб берган Умумиттифоқ Конституцияси давлатимизнинг федерал асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради. Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳаси СССР Конституциясининг 70-моддасида ўз ифодасини топган «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи кўп миллатли бир бутун Иттифоқ давлатидир, коммунизм қуриш мақсадида барча миллатлар ва элатларни жипслаштирган давлатдир» деган асосий қоида янада такомиллаштирилгандир. Лойиҳанинг 68-моддасида қайд қилинишича, коммунистик жамиятни муваффақиятли қуриш, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлигини мустаҳкамлаш, хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш мақсадлари йўлида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш натижасида, ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида Улуғ Ватанимизда яшовчи барча халқлар билан ҳамжиҳат бўлгани ҳолда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашганидир.

СССР янги Конституцияси 75— 81-моддаларида Иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқлари тўла равишда таъминланади ва уларнинг гарантияси тағин ҳам мустаҳкамланади, деб уқтириб ўтилган. Умумиттифоқ давлатининг олий органлари компетенциясига тааллуқли бўлган ва СССР Конституцияси нинг 73-моддасида белгилаб қўйилган доирадан ташқари Иттифоқдош республикалар ўз территорияларида давлат ҳокимиятини мустақил равишда амалга оширадилар. ЎзССР янги Конституцияси лойиҳасининг 102-моддасида халқ хўжалигини ривожлантириш планлари ва давлат бюджети ҳамда республиканинг миллий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни амалга ошириш иттифоқдош республикалар томонидан мустақил амалга оширилиши таъкидланган.

Лойиҳанинг 70-моддасида кўрсатилганидек иттифоқдош республика Ўзбекистон ССРнинг территорияси унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Иттифоқдош республикалар ўртасидаги чегаралар эса шу республикаларнинг ўзаро келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин ва бу ўзгартириш Совет Социалистик Республикаларн Иттифоқи томонидан тасдиқланиши керак. Ўзбекистон ССР ўзининг маъмурий территориал бўлинишини белгилайди, ўз территориясида Иттифоқ давлати олий органлари томонидан амалга ошириладиган масалаларни ҳал қилишда иштирок этади ва чет давлатлар билан алоқа боғлашга, улар билан шартномалар тузишга ҳамда дипломатик ва консуллик вакилларини айирбошлашга халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга ҳақлидир (Лойиҳанинг 71, 72 ва 78-моддалари). Лойиҳанинг 73-моддасида таъкидлаб ўтилганидек иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги ҳам республикаларга, уларнинг олий ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқилган қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиб қабул қилишни ССР Олий Советига таклиф қилиш ҳуқуқи берилганлигида ҳам ўз ифодасини топган.

СССР янги Конституциясида белгланиб қўйилганидек, ҳар бир иттифоқдош республика аҳолисининг сонига биноан СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига вакиллар сайлашдан ташқари, улар жумладан Ўзбекистон хусусияти эканлигини кўрсатиб ўтилади.

СССРнинг 1936 йилги Асосий Қонунидан фарқли ўлароқ СССРнинг янги Конституциясига Автоном Совет Социалистик Республикаларига бағишланган янги боб киритилган. Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг 79-моддасида автоном республикалар СССР составига иттифоқдош Совет Социалистик республикалар орқали киради, деб уқтириб ўтилади.

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасига ўз территориясида давлат ишларини, хўжалик ва маданий қурилишни бошқаришда мустақиллик бериб

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси — совет халқи давлат бирлигининг тимсоли бўлган, бирлигида коммунизм қуриш учун барча миллатлар ва элатларни жипслаштирган Совет Социалистик Республикаларн Иттифоқи составида тенг ҳуқуқли республикадир.

(Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасидан).

ўтишда, ўлканинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатишда, миллий ва сиёсий мустақилликни қўлга киритиш ҳамда мустаҳкамлашда улуғ рус халқининг, рус пролетариатининг оғаларча бегараз, улкан ёрдам кўрсатганлигини ўз аксини топмоғи керак.

Шу билан бир қаторда, республикада миллий давлатчиликни шакллантиришда, тарқоқлик ва сунъий равишда ажралиб яшаш ҳолатига барҳам бериб, ўзбек халқининг территориясини ягона бир давлат сифатида бирлаштириш ҳамда унинг иқтисодий ва маданий равнақини мисли кўрилмаган даражада тезлаштиришда социалистик интернационализм ғоясига асосланган КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси, миллий масалани бизнинг мамлакатимизда узил-кесил ва батамом ҳал этилганлиги қандай ижобий натижалар берганлиги кўрсатиб ўтилиши зарур.

Республика ташкил топган илк даврларда, бундан ярим аср илгари, мамлакат халқ хўжалигининг аграр характерга эга бўлганлиги туфайли жамиятнинг синфий структурасида деҳқон, чорвадор ҳамда косиб-ҳунармандларнинг аҳолининг жуда ҳам кўпчилик қисмини ташкил этганлиги, саноатнинг ниҳоят даражада кам ривожланганлиги сабабли ишчилар синфининг шаклланиш жараёни Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнггина бошланганлиги фактини алоҳида уқтириб ўтиш, ўзбек халқи ҳаётида ҳозирги кунда рўй берган беқиёс социал ўзгаришларни янада яққолроқ тасаввур қилиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси янги Конституциясининг лойиҳаси диёримиз тарихида янги давр бошланганлиги, инсоният тарихида биринчи маротаба умумхалқ социалистик давлатининг Асосий Қонунининг қабул қилинишини халқимиз фахр билан тилга олади. Замонамизнинг жуда катта сиёсий ҳужжати — ривожланган социализмнинг Асосий Қонуни бўлган СССРнинг янги Конституцияси ва унга тўлиқ мувофиқ равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Асосий Қонуни миллионларнинг ақл-идрокига ўз таъсирини ўтказаверади, яқинлагина мустамлакачилик зулмидан озод бўлган ва социал тараққиёт йўлидан дадил бораётган Осиё ва Африка халқлари учун, шу билан бирга капиталистик мамлакатлар меҳнаткашлари учун ҳам йўлчи юлдуз бўлиб қолади.

О. ЭШОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор.

ТАКЛИФ КИРИТИШМОҚДА

Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг лойиҳаси шу кунларда шаҳримизнинг меҳнат коллективлари ўртасида юксак сиёсий кўтаринкилик руҳида, амалий равишда, катта қизиқиш билан муҳокама этилмоқда. Йиғилишларда сўзга чиққан ишчилар, инженерлар, хизматчилар Асосий Қонун лойиҳасини тўла маъқуллаганликлари ва қўллаб-қувватлаганликларини ифода этмоқдалар. Шу билан бирга, лойиҳада баён этилган у ёки бу моддаларга таклифлар киритмоқдалар.

Республика энергетика ва электрлаштириш министрлигининг уч юздан ортиқ ишчи ва хизматчилари Конституция лойиҳасини бирликда муҳокама қилишга йиғилдилар. Энергетика хизматларидан бирининг ходими А. Алимов сўзга чиқар экан, Асосий Қонуннинг янги лойиҳаси партия ва ҳукуматимизнинг мамлакатимиз халқлари ўртасидаги интернационал дўстликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги яна бир ғамхўрлигидир, деб умум фикрини ифода этди. А. Алимов 67-моддадаги **«Бошқа мамлакатларнинг халқлари билан»** жумласидан кейин: **«ва бошқа қардош иттифоқдош республикаларнинг халқлари билан»** деган сўзларни қўшишни таклиф этаман, деди. Йиғилиш аҳли бу таклифни яқдиллик билан маъқуллади.

Йиғилиш аҳли инженер Ш. Бобохўжаевнинг таклифини ҳам бир овоздан маъқуллади. У партиямизнинг олиб бораётган тинчликсевар сиёсатининг жаҳоншумул халқаро аҳамияти тўғрисида гапирди.

ЛОЙИҲАДАН РУҲЛАНИБ

Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳаси барча қатори «Ўзбексельмаш» заводи коллективи томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланди. Бу тарихий ҳужжатдан руҳланган корхона ишчилари шу кунларда ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишяпти.

Завод коллективи орасида «Йиллик топшириқни — СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача бажарамиз» шиори остида ишлаётганлар сони ой сайин ортиб бормоқда. Корхона паровозасидан қишлоқ меҳнаткашлари учун чиқарилаётган машина ва сеялкаларнинг сифати ҳам мунтазам равишда яхшиланиб боряпти. Буни завод адресига қишлоқ механизаторлари томонидан келаётган минатдорчилик мактубларидан яққол сезиш мумкин.

Ушбу фотолавҳада завод 4-цехининг илғор йиғувчи слесари, Коммунистик меҳнат зарбдори Қ. Ориповни кўриб турибсиз. Бу пешқадам ишчи беш йиллик шахсий план-топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган. Шу кунларда у юксак мажбуриятга яраша меҳнат қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

БУЮК ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР БАХТНОМАСИ

2 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
30 МАРТ, 1978 й.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 11-«ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН 8-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ, «ТАШИНЖСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН «ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Мана икки ойдирки, 8-қурилиш трести меҳнатда муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Коллектив бош пудрат ва ўз кучлари билан иш бажариш ияки ойлик топшириқларини оширибгина адо этди. Бундан ташқари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қурилиш ишлари ҳажми бирмунча ўсди. Бу меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли қўлга киритилди. Трестнинг барча бошқармалари планларини муваффақиятли адо этишди. 15 коллектив злобинчасига ишлаяпти. Т. Исмоилов ва И. Абдуллаев раҳбарлик қилаётган бригадалар меҳнатда пешқадамлик қилишмоқда. Улар меҳнат унумдорлигини 13 процентга ўстириб, қурилиш ишларини графикдан икки ой ўзғи ҳолда бажаришяпти.

Трест бинокорлари свердловскликларнинг «Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади», ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлашмоқда. Ташаббусга ўн бир коллектив қўшилди. Уларнинг ичида биринчи қурилиш-монтаж бошқармасининг Исмоилов, 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг Панин, 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг Мардонов, 3-пардоз ишлари бошқармасининг Данилов раҳбарлигидаги коллективлари ҳам бор. Коллектив мураббийчилик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши ишга туширилаётган объектларда ишни муваффақиятли олиб боришда, қолоқ участкаларни илғорлар сафига тортишда, меҳнатни ташкил этишда катта роль ўйнамоқда.

Трест мактаблар ва маҳаллий Советлар объектлари қурилишида бир қатор ютуқларни қўлга киритгани ҳолда уй-жойлар ва мактабгача болалар муассасалари қурилишида қолоқликка йўл қўйди. Буининг сабаблари қуйидагича: «Ўзбексельмаш» заводининг иккита уй-жойи ва ётоқхонаси. Жуковский кўчасида боқар ва шифохона, Ленин кўчасида 286 ўринлик болалар боғчаси бинолари қурилишида ишлар тўхтаб қолди. «Марказ—14» кварталида 9 қаватли бинолар олдида маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари қурилишида ёрдамчи-пудратчилар ўз вақтида иш бошлашмади.

11-«Висотстрой» трести ўтган икки ойда бош пудрат бўйича 116 минг сўмлик кам иш бажарди. 17-қурилиш бошқармаси икки ойлик планни 90.2 процентга, 75-қурилиш бошқармаси 88,8 процентга бажарди. Чунки бу бошқармаларнинг объектларида ёрдамчилар яхши ишлашмади. Масалан, пардозлаш трести планида белгиланган 286 минг сўмлик ўрнига 146 минг сўмлик, трести 134 минг сўмлик ўрнига 82 минг сўмлик, республика монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотларн 124 минг сўмлик ўрнига 50 минг сўмлик иш бажаришган.

1977 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятларн учун Ўзбекистон ССРнинг «Меҳнат Шуҳрати китоби»га ёзилишга мушарраф бўлган трест коллективи ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг ўз ишларига масъулиятсизликларн туфайли бундай қолоқликка йўл қўйиши ачинарли ҳолдир. Трест ўз кучлари билан иш бажариш вазифасини 115 минг сўм ортиғи билан бажарган эди.

Иккинчи жуфт мусобақадошлар — «Ташинжстрой» ва «Таштрансспецстрой» трестлари барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича қолоқликка йўл қўйишди. «Ташинжстрой» трести ўтган икки ойда ўз кучлари бўйича 22 минг сўмлик иш бажармади. Трест бошқарувчиси А. Абдуқодировнинг изоҳига қарағанда, «Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармасининг заводларн трестга 66 куб метр тўбинг блоклари, 28 минг сўмлик асфальт-бетон массаси етказиб бермади. Бу эса меҳнат унумдорлиги топшириғини ҳам бажарилмаслигига сабаб бўлди. Айниқса, трестнинг 7 ва 8-қурилиш бошқармаларида аҳвол оғир. «Таштранспецстрой» трестининг 5 та бошқармаси бош пудрат ва ўз кучлари билан иш бажариш топшириқларини уддалай олмади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қурилиш ишлари ҳажми камайтириб юборилди. Бу соҳадаги план 8 процент камита адо этилди.

«Таштранспецстрой» трести ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилмаяпти. Кўпинча асфальт-бетон массаси ва бошқа бинокорлик материаллари ўз вақтида етиб келмаяпти. Бусиз эса ҳозирги пайтда қурилишда муваффақиятга эришиш қийин. Юқоридаги сабабларга кўра ҳам трест ой сайин қолоқлар сафидан ўрин олмоқда.

Трест раҳбарлари қолоқлик сабабларини таҳлил этиб, план топшириқларини муваффақиятли адо этиш йўлларини излашлари керак.

1978 йил январь—февраль ойи асосий кўрсаткичлари	Қурилиш трестлари			
	11-«Висотстрой»	8	«Ташинжстрой»	«Таштранспецстрой»
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	95,4	101,3	—	92,8
б) ўз кучлари билан	107,8	108,3	99,0	91,2
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	76,2	118,6	95,9	97,8
б) ўз кучлари билан	105,1	111,2	96,4	97,9
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	100,6	102,2	98,9	92,0
Меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	—	102,1	96,4	111,1
Планни бажармаган бошқармалар				
а) бош пудрат бўйича	2	—	—	5
б) ўз кучлари билан	2	—	2	5
Уй-жой қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	70,1	50,9	—	—
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	—	125,9	—	—
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши.	—	50	—	—
Маҳаллий Советлар объектларини қурилиши планининг бажарилиши	115,2	104	76	—
Ирл бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	—	—	—	—
Ўрта баҳоси (балларда).	—	—	—	—
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	7	15	4	4

ТОШДАН ҚАТТИҚ, ГУЛДАН НОЗИК

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. МАҲКАМОВ: Мен бир қанча эски китобларни сотмоқчи эдим. Шуни қаерга топширсам бўлади? Бундан ташқари янги китобларни буюртма орқали сотиб олмоқчиман. Ана шу ҳақда жавоб берсангиз.

Жавоб: Шаҳар китоб савдоси идораси магазинлари ҳаҳолидан бадиий болалар адабиётлари, санъатга оид альбомлар, рус ва ўзбек тилларидаги олий ва ўрта билим юртлари ўқув китобларини сотиб олади. Бундай магазинларнинг адресини берамиз: Навоий кўчаси, 12, 42-уйда, Пушкин кўчасининг Марказ — 1 кварталидаги 6-корпус ёнида. Китобларни буюртма орқали олишга келсак бунинг учун сиз шаҳримиздаги энг йирик китоб расталарига мурожаат қилинг. У ерда сизга ёрдам берилади.

* * *

М. ЗОКИРОВА: Шаҳримизда медицина асбобларини сотадиган магазин ва қон босимини ўлчайдиган асбобни тузатадиган устахонанинг адресини берсангиз.

Жавоб: Ҳозир республикамиз пойтахтида медицина асбобларини сотадиган иккита магазин ишлаб турибди. Булар Богдан Хмельницкий кўчаси, 61-уйда ва Черданцев кўчасига жойлашган. Бу магазинларда сотиладиган ҳар хил турдаги жиҳозлар фақат даволаш муассасаларига берилади. Шахсий кишиларга сотиладиган медицина асбоблари билан савдо қиладиган магазин йўқ. Иккинчи саволингизга келсак, қон босимини ўлчайдиган асбобни тузатадиган устахона ҳалқа йўлидаги 2515-автобаза ёнига жойлашган Геофизиклар посёлкасида бўлиб, бу ердаги экспериментал заводида ана шундай асбоблар тузатиб берилади.

* * *

Р. ҚОСИМОВ: Шаҳримизда дориларга телефон орқали буюртма олиб, уни уйга етиб борадиган дорихоналар борми?

Жавоб: Улуғ Ватан уруши инвалидлари, қариган ва қаровида ҳеч кими бўлмаган ҳамшаҳарларимиз ўзлари учун керакли бўлган дориларни шаҳримиздаги ҳар бир районга жойлашган йирик дорихонага буюртиришлари мумкин. Дорихоналар улар истиқомат қилиб турган жойдан узоқ бўлмаслиги керак.

* * *

Т. ВАЛИЕВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ: Шаҳримизда музика асбобларини прокатга бериб турадиган пункт ҳақида эшитиб қолдик. Шу прокат пункти қаерга жойлашган ва чолғу асбобларини қанча муддат билан олиш мумкин.

Жавоб: Бундай прокат пунктлари фақат иккита. Булар Чилонзор районидаги савдо маркази ёнида ва Новомосковский кўчасидаги «Москва» кинотеатри олдида жойлашган бўлиб, ундан истаган муддатга керакли музика асбобларини прокатга олишингиз мумкин. Фақат музика асбобининг олинган муддати тугагач, қайтариб берилиши ёки Сиз томондан яна узайтирилиши керак.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРИГА ТУШ

ГАИ АХБОРОТИ

Михаил Юров «Тожикистон» деб ёзилган 71— 66 ТНБ автобусини Қамарнисо кўчасида бошқариб келарди. У йўлда келаётиб кўчанинг қатнов қисмида йўл ҳаракати қоидасини бузиб турган пиёдаларни кўрди. Аммо тезлигини камайтирмади ва улар ёнидан ўта туриб пиёдалардан бири— Г. Машариповни уриб юборди. Унинг танази жароҳатланган ҳолда Тошкент Давлат медицина институтига ётқизилди. Воқеадан сўнг М. Юров бу ҳақда Давлат автоинспекциясига хабар бермай, воқеа содир бўлган жойдан ғойиб бўлди.

Унинг йўл қонунларини бузганлиги тўғрисидаги иш Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссиясига юборилди.

„ЁМҒИР ёғиб турарди. Бекатда одам кўп эди. Троллейбус ҳадеганда келавермас, одамлар бетоқат бўлиб, унинг йўлига кўз тикишарди. Ана, бир қўлида олти-етти ойлик боласини кўтарган, бир қўлида сумка тутган аёл ноқулай бир тарзда скамейка чеккасида ўтирибди. Юзидан оқиб тушаётган томчиларни артиб олишга ҳам имкон тополмайди. Ҳадеб боласининг юзини ёмғирдан яширишга уринади. Унинг шу ўтиришини кўриб, беихтиёр қишлоғимни, ўз онамни эсладим. Қачондир у ҳам кўчага чиққанида мени шунчалик авайлагандир. Совуқдан, ёмғир томчиларидан шунчалик пана қилгандир. Эҳтимол касал бўлганимда кечалари мижжа қоқмай тепамда тикилиб ўтириб чиққандир. Шунда, тўғриси ўзимдан ўзим ғижиниб кетдим. Мана, Тошкентга келганимга тўрт йил бўляпти. Дастлабки пайтларда институтга энди кирганимда уйга тез-тез хат ёзиб турардим. Каникулга боргунимда онам ҳар гал битта илтимос қиларди. Тез-тез хат ёзиб тургин, деб тайинларди. Аввалига чиндан ҳам кунора хат ёзардим. Кейин ҳафтасига битта ёзадиган бўлдим. Бора-бора бир ойда битта ёзишга аранг вақт топадиган бўлдим. Одам ўзини оқлаш учун баҳонадан кўпи йўқ. Зачетлар кўп, имтиҳонлар қийин. Кутубхонага бориш керак.. Лекин кино кўришга ҳам камида икки соат вақт кетади-ку. Ҳафтасига бир марта кино кўришни канда қилмаймиз-ку. Наҳотки ҳафтасига хат ёзишга ўн беш минут вақт топилмаса? Бу масалада ҳам ўзимизни юпатишга баҳона тайёр. Соғ-саломат юрибмиз. Бўлди-да, деб қўямиз. Лекин бунақа масалаларга бизнинг қарашимиз бошқача, онанинг қараши бошқача. Бу масалага она қалби билан қарасак, бошқачароқ хулоса чиқарган бўлардик.

Ўша куни бекатда, ёмғирдан боласининг юзини пана қилиб ўтирган аёлни кўрганимда шуларни ўйладим. Тўғриси, ўзимдан-ўзим ғижиниб кетдим».

Бу мактубни халқ хўжалиги институтининг студенти йўллаган. У Қашқадарёдан келганини, бу ерда яхши ўқиётганини ёзган. Айни пайтда ўзининг энг оддий бурчини— фарзандлик бурчини унутиб қўяётганини таъкидлаган. Унинг мактубини ўқиганда, беихтиёр бошқа бир йигит — Мирзажоновнинг иститоро тўла хатлари кишининг кўз ўнгига келади:

«Мен ғўдаклигимдан етим ўсдим. Эсимни таниганимдан буён бир муштипар кампирни эслайман. Бу аёл мени асраб олганини яширган эмасди. Тўққиз ёшимгача ана шу онанинг қўлида тарбия топдим. Аммо орадан кўп ўтмай, кампир вафот этди. Яхшиям бахтимга яхши одамлар бор экан. Кўчада қолмадим. Қаерга борсам қалби кенг инсонларга дуч келдим. Рост, қийналганларим маслаҳат солишди. Мен нима дердим? Ойимни яхши кўрардим. Лекин дадамни ҳам яхши кўраман. Нима бўлса ҳам дадамлар қийналмасинлар, дедим. Йўқ, дадам уйланмадилар. Ҳолбуки, у киши ҳали 50 ёшга ҳам чиқанлари йўқ.

Агар институтни битириб, ишлай бошласам, дадамнинг қўлларини совуқ сувга урдирмайман, деб аҳд қилиб қўйганман».

Медицина институтининг иккинчи курс студенти Мавлуда Акбарова ёзган бу мактубни ҳаяжонсиз ўқиб бўладими? Баъзан эзгулик билан ёмонлик шу даражада ёнма-ён келадики, киши ҳайрон бўлади. Мана, Собир Раҳимов районида туғилган бошқа бир қизнинг мактуби.

«Балки бу хатни ёзиш уятдир. Лекин киши жондан тўйиб кетган пайтларида кимгадир ҳасрат қилиси келар экан. Одамлар оилада фарзанд туғилса, қувончдан боши осмонга етади. Буни қарангки, менинг тўнғичим шодлик эмас, қайғу олиб келган экан. Ўша куниёқ дадам сен нега қиз туғдинг,— деб онамни тутиб ургудек бўлган экан. Эсимни таниббманки, дадам билан ойим бирон нарсани бамаслаҳат яхшилик билан ҳал қилишганини эслай олмайман. Эсимни таниббманки, дадамнинг ҳушёр пайтини ҳам эслай олмайман. Кўпинча ойим бизни олиб бувимникига кетиб қолардик. Икки-уч кундан кейин дадам ғирт маст бўлиб бориб, тўполон кўтарар, бувим шўрлик ва ака-дадажонлар бўлган «ўзингдан тинсанг бўлди» деб ойимни яна қайтариб юборарди. Балки дадамнинг кўп ичишида у кишининг ота-онаси ҳам айбдордир. Негаки, бувам билан бувим ёлғиз ўғил деб, у кишини роса талтайтиришга экан. Уйланса қуюлиб қолар, деб умид қилишгану, умидлари пучга чиққан. Дадам хоҳласа рўзғор ҳам маслаҳат солишди. Мен нима дердим? Ойимни яхши кўрардим. Лекин дадамни ҳам яхши кўраман. Нима бўлса ҳам дадамлар қийналмасинлар, дедим. Йўқ, дадам уйланмадилар. Ҳолбуки, у киши ҳали 50 ёшга ҳам чиқанлари йўқ.

Агар институтни битириб, ишлай бошласам, дадамнинг қўлларини совуқ сувга урдирмайман, деб аҳд қилиб қўйганман».

Медицина институтининг иккинчи курс студенти Мавлуда Акбарова ёзган бу мактубни ҳаяжонсиз ўқиб бўладими? Баъзан эзгулик билан ёмонлик шу даражада ёнма-ён келадики, киши ҳайрон бўлади. Мана, Собир Раҳимов районида туғилган бошқа бир қизнинг мактуби.

«Балки бу хатни ёзиш уятдир. Лекин киши жондан тўйиб кетган пайтларида кимгадир ҳасрат қилиси келар экан. Одамлар оилада фарзанд туғилса, қувончдан боши осмонга етади. Буни қарангки, менинг тўнғичим шодлик эмас, қайғу олиб келган экан. Ўша куниёқ дадам сен нега қиз туғдинг,— деб онамни тутиб ургудек бўлган экан. Эсимни таниббманки, дадам билан ойим бирон нарсани бамаслаҳат яхшилик билан ҳал қилишганини эслай олмайман. Эсимни таниббманки, дадамнинг ҳушёр пайтини ҳам эслай олмайман. Кўпинча ойим бизни олиб бувимникига кетиб қолардик. Икки-уч кундан кейин дадам ғирт маст бўлиб бориб, тўполон кўтарар, бувим шўрлик ва ака-дадажонлар бўлган «ўзингдан тинсанг бўлди» деб ойимни яна қайтариб юборарди. Балки дадамнинг кўп ичишида у кишининг ота-онаси ҳам айбдордир. Негаки, бувам билан бувим ёлғиз ўғил деб, у кишини роса талтайтиришга экан. Уйланса қуюлиб қолар, деб умид қилишгану, умидлари пучга чиққан. Дадам хоҳласа рўзғор ҳам маслаҳат солишди. Мен нима дердим? Ойимни яхши кўрардим. Лекин дадамни ҳам яхши кўраман. Нима бўлса ҳам дадамлар қийналмасинлар, дедим. Йўқ, дадам уйланмадилар. Ҳолбуки, у киши ҳали 50 ёшга ҳам чиқанлари йўқ.

Агар институтни битириб, ишлай бошласам, дадамнинг қўлларини совуқ сувга урдирмайман, деб аҳд қилиб қўйганман».

Медицина институтининг иккинчи курс студенти Мавлуда Акбарова ёзган бу мактубни ҳаяжонсиз ўқиб бўладими? Баъзан эзгулик билан ёмонлик шу даражада ёнма-ён келадики, киши ҳайрон бўлади. Мана, Собир Раҳимов районида туғилган бошқа бир қизнинг мактуби.

«Балки бу хатни ёзиш уятдир. Лекин киши жондан тўйиб кетган пайтларида кимгадир ҳасрат қилиси келар экан. Одамлар оилада фарзанд туғилса, қувончдан боши осмонга етади. Буни қарангки, менинг тўнғичим шодлик эмас, қайғу олиб келган экан. Ўша куниёқ дадам сен нега қиз туғдинг,— деб онамни тутиб ургудек бўлган экан. Эсимни таниббманки, дадам билан ойим бирон нарсани бамаслаҳат яхшилик билан ҳал қилишганини эслай олмайман. Эсимни таниббманки, дадамнинг ҳушёр пайтини ҳам эслай олмайман. Кўпинча ойим бизни олиб бувимникига кетиб қолардик. Икки-уч кундан кейин дадам ғирт маст бўлиб бориб, тўполон кўтарар, бувим шўрлик ва ака-дадажонлар бўлган «ўзингдан тинсанг бўлди» деб ойимни яна қайтариб юборарди. Балки дадамнинг кўп ичишида у кишининг ота-онаси ҳам айбдордир. Негаки, бувам билан бувим ёлғиз ўғил деб, у кишини роса талтайтиришга экан. Уйланса қуюлиб қолар, деб умид қилишгану, умидлари пучга чиққан. Дадам хоҳласа рўзғор

— Унақаси йўқ,— аптекачи шундай деди-ю, индамай бурилиб кетаверди.

Тағин бир жойга бордик. Иккита аптека ҳодими бир-бири билан гаплашаётган экан. Гаплашиб бўлишини кутиб, чорак соатча турдик. Гапини бўлсак, ишимиз битмайди деб биз улардан чўчиймиз, инсон келдими, йўқми деб улар бизга қайрилиб қарамайди. Шунда бир нарсага ҳайрон бўлдим. Одам ўзининг вазифасини бажаришдан ташқари одамгарчиликни ҳам билиши керак экан. Ниҳоят келиним мени «Театральная» бекатидаги бир аптекага олиб борди. Бу ерда юк тушириштаётган экан. Ишга ҳалақит бермайлик деб бир чеккада турган эдик, бир йигит югуриб олдимизга келди.

— Нима хизмат, онахон?— деди мулойимлик билан.

Ҳаммасини бир бошдан тушунтирдик.

— Ҳозирча бунақа кўзойнак йўқ. Ёмғирда жуда овора бўлибсизлар. Адресингизни ташлаб кетинг. Кўзойнак келиши билан ўзим сизларга хабар қиламан. Билмадим. шу пайтда кўзим тиниқлашиб кетгандек бўлди. Йигит кўзойнакни топиб бермаган бўлса ҳам, ўзининг муомаласи билан, одамшавандалиги билан кўзимга нур бағишлади. Мен уни узоқ дуо қилдим. Яхшиямки, оромизда шунақа одамлар бор. Уз вазифасини ҳа ёки йўқ деб кўрс жавоб берадиган одамлар бир куни ўзининг бошига мушкул вазият тушса, қанақа аҳволга тушиб қолишини ўйлармикан? Ахир кексалик ҳар кимнинг бошида бор.

Кекса онахонинг бу сўзларини ҳам ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Дунёда инсондан чидамлироқ нарса йўқ, дейишади. Чиндан ҳам инсон боласи ҳар қандай мушкул синовларга бардош беришга қодир. Лекин дунёда инсондан нозикроқ нарса ҳам йўқ. Инсон қалби ирода кучи билан канчалик мустаҳкам бўлса, туйғулар тўлқини билан шунчалик нозик ҳам. Бир одамнинг кўнглини олиш энг улуғ ҳизмат эга бўлишдек гап. Одамларимиз мана шу ҳазинани қанчалик бойитса, ўзи ҳам шунчалик бойиб боради. Биз буни унутмаслигимиз керак.

Бу борада газетхонлар ҳам лоқайд қолмай ўз мулоҳазаларини билдирмоқдалар. И. Алимов, М. Исроилова, М. Худойбердиев, М. Кўчқоров, А. Раҳмонов, Ҳ. Рустамова, Ш. Раҳматуллаев сингарилар ўзларининг мактубларида инсонийлик фазилатларини тарбияпаш, бир-бирига нисбатан саховатли бўлиш борасида мулоҳаза билдиришган. Бу кишиларнинг ёши ҳам, касби ҳам ҳар хил. Уларнинг ёзган мактубларида ҳам турли воқеалар ҳикоя қилинган. Лекин барчасида ягона мақсад, инсон қалбини авайлаш мақсади олга сурилади. Биз ҳам ана шу эзгу ниятга тўла қўшиламиз. Чунки инсон қалби гулдан ҳам нозикдир.

У. ҲАЛИЛОВ.

ТАЪЛИМ ОДОБИ

Машҳур олимлардан Ризоуддин ибн Фахриддиннинг «Одоби таълим» асаридан

КЕЧИРИШ ВА ОЛИҲИММАТЛИЛИК

Ўқувчилардан баъзан камчиликлар ўтиб туради. Муаллимнинг вазифаси уларнинг камчиликларини кечириш, бундай ишларга йўл қўймасликлари учун шогирдларга ёрдам беришдир. Кечириш олижаноблик ва олимларга муносиб бир сифатдир. «Кичиклардан адашиш, катталардан кечириш» деб тўғри айтилган.

Бу дунёда инсонларнинг орзу-ҳавасларн турли равишдадир. Бирининг мақсади мол-дунё кўпайтириш бўлиб, қандай йўл билан бўлса ҳам бутун фикри-зикри чўнтагини пулга тўлдиришдир. Иккинчи, тоифа одамлар фақат айш-ишратга берилиб, бутун лаззатни шу ишда деб билади. Учинчи тоифа бутун умрини бошқаларни гийбат қилиш, мунофиқлик, икки юзламачилик билан кечиради. Тўртинчи тоифа инсонларнинг мақсади фақат ейиш, ичиш бўлиб, ҳар вақт шу тўғрида сўзлайди, шунинг орқасидан югуради. Мана шундай инсонларнинг табиатлари ҳар хилдир.

Яна бир тоифа инсонлар бордирки, булар паст табиатларга эга бўлмайдилар. Тараққий сафарларида мазкур даражаларнинг ҳеч бирида эмасдирлар, булар олижаноб. олиҳиммат ли инсонлар бўлиб, шараф ва буюк мақсадларни ҳосил этиш йўлига кирганлар. Буларнинг қошида саодат юзаки бўлмасдан, балки илм таҳсил этиш, ватан ва халққа хизмат этиш, одамлар билан гўзал муомалада бўлиб, мумкин қадар ҳаммага фойда етказишдир. Ўзлари ҳақида бошқалар нима сўзласалар сўзласинлар, булар ундай сўзларга ҳеч бир илтифот қилмай ўз йўлларидан қилча айрилмайдилар, булар поксоф кўнгилли зотлар, ҳақиқий инсонлардир. «Олиҳиммат» деган нарсага ушбу муборак инсонлар сазовордирлар.

Муаллимлар ҳам шу муборак инсонлар қаторида саф тортганлари учун ўз даражаларини яхши англашлари, муқаддас вазифалари йўлида ҳормай-толмай яна ҳам ғайрат қилишлари тилак ва орзумиздир.

Ш. ЗУННУН
тайёрлаган.

Жаҳон оинаси

ИНДУСТРИЯ ЮБИЛЕЙИ

БУДАПЕШТ. Социалистик Венгрия шу кунларда йирик саноат корхоналари национализация қилинган кунининг 30 йиллигини нишонламоқда. Халқ хокимиятининг бу тадбири ишчилар синфини ўз мамлакатининг чинакам хўжайини қилибгина қолмай, шу билан бирга социалистик негизда кенг индустрлаштириш учун ҳам йўл очиб берди. Утган ўттиз йил мобайнида Венгрия картасида янги саноат шаҳарлари: Дунайварош, Казинцбарцика, Ленинварош шаҳарлари қад кўтарди, ўнлаб йирик халқ хўжалик объектлари қурилди.

30 йил мобайнида республикада саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми саккиз баравардан зиёд ортди, саноатда банд бўлган кишилар икки ҳисса кўпайди, меҳнат унумдорлиги қарийб 9 марта ошди, ишчиларнинг кўли билан энг мураккаб станоклар ва приборлар яратилмоқда.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДАН

ПРАГА. Бу йил Чехословакия деҳқонлари 3,7 миллиард кронликдан кўпроқ янги қишлоқ хўжалик машина-механизмларини олишади. Мамлакатнинг трактор паркигагина ҳар хил типдаги 8.5 минг та машина қўшилади.

Ватан машинасозлик маҳсулоти билан бир қаторда қардош социалистик мамлакатларда тайёрланган комбайнлар ва бошқа хил машина-механизмлар мамлакат далаларига чиқарилади. Чунончи, ЧССР Совет Иттифоқидан 500 та галла ўриш комбайни. 350 та ўрмаловчи трактор. 150 та ўзиюрар лавлаги кавлайдиган агрегат олади. ГДР, Венгрия, Польша машинасозлари Чехословакия деҳқонларига ҳар хил қишлоқ хўжалик машина-механизмларини етказиб берадилар.

ГФР. «Бу ерда забастовка ўтказишмоқда» деб ёзилган транспарантлар Штутгартнинг ўнлаб машинасозлик ва металлни қайта ишлаш заводлари дарвозаларн олдида пайдо бўлади. Меҳнат шароитини яхшилаш ҳақидаги талабларни корхона эгалари рад этганидан сўнг йирик саноат марказининг 85 мингга яқин металлистлари иш ташлади. Забастовкага «Даймлер-Бенц», «Порше» автомобиль заводларининг ва бошқа корхоналарнинг ишчилари иштирок этишмоқда.

СУРАТДА: иш ташлаган ишчиларнинг «Порше» заводи олдидаги пикети.

АП—ТАСС фотоси.

ҲИНДИСТОН— ДЕНГИЗ ДАВЛАТИ

ДЕҲЛИ Ҳиндистон савдо флотининг умумий тоннажи ҳозир 5,35 миллион регистр тоннага боради, Ҳиндистоннинг 370 дан ошиқ савдо кемалари денгиз ва океан сувларида кезмоқда. Мамлакат ҳукумат ҳузуридаги информация ва матбуот бюросининг ёзишича, Ҳиндистон шу кўрсаткичлар бўйича ривожланаётган мамлакатлар орасида биринчи ўринга чиқди.

Ҳукумат денгиз кемачилигини жадал ривожлантириш чораларини кўрмоқда. Калькутта, Бомбай, Висахапатнама кемасозлик корхоналари кенгайтирилмоқда. Орисса ва Гужарат штатларида иккита катта кемасозлик корхоналарини қуриш мўлжалланмоқда. Мамлакатдаги 90 та асосий портнинг экспорт, импорт фаолияти ҳажми ўсмоқда. Денгиз орқали ташиладиган юкларнинг 80 процентдан ошиғи шу портларга тўғри келади.

Ҳозирги вақтда Ҳиндистон савдо-сотиқ юкларининг 35 процентдан ошиғини ватан флоти ташиб бера олади, Ҳиндистон нефть ва бирламчи хом ашё ташиш жиҳатидан эса, тамомила ўзини таъминлай оладиган даражага етди.

Давлатнинг катта кемасозлик кампанияси, биринчи навбатда «Хиндустан Шипярд лимитед» компанияси шу соҳанинг жўшқин ривожтопишини таъминлаяпти.

ҚАШШОҚЛАРНИНГ ҚИСМАТИ

КАРОЧИ. Покистондаги катта саноат маркази— Карочи шаҳри аҳолиси учдан бирининг уй-жой шароитлари энг оддий санитария нормаларига ҳам тўғри келмайди. «Сан» газетаси шу ҳақда хабар бериб, ҳозирги вақтда бу ерда хоҳ чекнада, хоҳ шаҳар марказида бўлсин замонавий ҳовлилар ва меҳмонхоналар ёнида 300 дан ошиқ кулбалар жойлашган. Уларда кўпроқ иш қидираётган ва иш тополмаётган кишилар яшайди. Масалан, Сайт саноат районидаги битта шундай посёлкаининг ўзидагина юз мингдан ошиқ киши яшамоқда.

Шаҳар аҳолисининг ҳозирги ўсиш суръатлари давом этадиган бўлса, 2000 йилга бориб Карочи аҳолисининг сони 11 миллион кишига етади. Бу эса кулбаларнинг яна ҳам кўпайишига олиб боради, деб хавфсираяпти Ҳолбуки, бундай жойлар ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳар территориясининг чорак қисмини эгаллаб турибди.

Кулбалардаги антисанитария шароитлари турли оғир касалликларни келтириб чиқаришини замин ҳисобланади. Шу районларда яшаётган ҳар юз кишидан 5 киши сил бўлган. моховлар ҳам кўп. Дизентерия ва тиф билан оғриш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Хароба районларнинг саккиз минг аҳолисига ўрта ҳисобда битта врач тўғри келиши ҳам аҳволни мушкуллаштирмоқда.

(ТАСС).

ФОТОКОНКУРС

«ОРЗУЛАРИМ БОҒЛАДИ ИЛГА»...

В. Ковренн фотоэтюди.

КИЙИМ ТОЗАЛАГАНДА

Резина кийимларни тозалашнинг ҳам ўз йўл-йўриқлари бор. Масалан, плашчни тозалаш, доғларини кетказиш учун «Новость», «Пахта» порошоги, сифатли совун қиринидиси илиқ сувда эритилиб, (ҳар литр сувда 5— 10 грамм совун ёки порошок эритилади) кийим шу сувда ювилади. Порошок ёки совун қиринидиси буюмнинг кирлигига ва бўёғининг мустаҳкамлигига қараб зарур миқдорда олинади.

Жуда кир буюмларни ювишдан аввал ивитиб қўйиш мумкин. Буюм скамейка ёки столга ёзилиб. порошок ёки совун кўпигида ҳўлланган чўтка билан ишқалаб ювилади. Совуили эритмага новшадил спирти (1 челак сувга 2 ош қошиқ ҳисобидан) қўшиш тавсия этилади.

Юваётганда кийимни осинчга илиб тогора устида тутиш ҳам мумкин. Кийимнинг аввало ёқаси, кейин енглари ва ҳоказолар чўткада ишқаланади. Кийимни кирлик даражасига қараб бир— икки марта ишқалаш мумкин.

Резиналанган буюмларни иситиш асбоблари олдида қуритиш тақиқланади. Бундай буюмларни бензин, скипидар ва бошқа эритгичлар билан тозалаш ярамайди. (Фақат ацетон ишлатиш мумкин). Тозалаб бўлгач, буюмга крахмал ёки талък сепилади.

• *Маслаҳатларимиз*

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

★ Сутни чинни, сопол, шиша ёки сирланган идишларда салқин ва қоронғи жойда сақлаш керак. Ёруғ жойда сут таркибидаги витамин ва бошқа озиқ моддалари йўқолади.

★ Қаттиқ гўштни бир оз сиркалаб пиширсангиз юмшоқ тортади.

★ Редиска, бодринг каби сабзавотларни яхшилаб ювиб, арчмасдан ейиш керак. Бунда улар тез ҳазм бўлиб, организмга фойда қилади.

★ Қизиб турган сирланган идишга совуқ сув ва ёғ қуйманг, сири кўчиб кетади.

★ Тозаланадиган балиқни иссиқ сувга ботириб олсангиз, тангачалари осон кўчади.

★ Суви қочиб, қотиниқираб қолган нонни ҳўлланган сочиққа ўраб намиктириб, қар иккала томони қиздирилса, ишлаб янги ёпилгандек бўлади.

ЎН ЙИЛДАН КЕЙИНГИ УЧРАШУВ

Ўзбек томошабинлари рус музика санъатининг ажойиб асари — П. И. Чайковскийнинг «Пиковая дама» операсини ўн йиллик танаффусдан кейин яна саҳнада томоша қилдилар. Режиссёр Ф. С. Сафаров саҳнага қўйган бу спектаклни А. Навоий номли Давлат академик опера ва балет катта театри 25 март куни кўрсатди.

Республика халқ артистлари В. А. Гринченко, Р. Б. Лаут, С. Г. Беньяминов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. С. Кучлинова, солист Л. Линхасов етакчи партияларни ижро этдилар. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР мукофотининг лауреати Г. Измайлова спектакль рақсларини саҳналаштирди.

САҲНАДА АЖОЙИБ ЭРТАК

Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари болғар драматурги Панчо Панчевнинг «Тўрт эгизак ҳақида эртак» пьесасидаги Елена хола, унинг қизи Бонка, Пестряк ва Белиш, Черниш ва Рижик, шунингдек асарнинг бошқа қаҳрамонлари билан танишдилар. Ёш томошабинлар республика рус театри ана шу асар асосида қўйилган спектакль премьерасини кўрсатди. Бу — муҳаббат ва садоқат, меҳнат ва софдиллик ҳақидаги ўзига хос эртакдир.

Спектаклни режиссёр Г. А. Мустафин саҳнага қўйган.

(ЎзТАГ).

КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

СССР Алоқа министрлиги почта муомаласига чиқарган икки маркага «Космосга халқаро учишлар» деган сўзлар ёзилган. Бу марималардан биридаги суратда «Союз—28» кемаси «Салют—6»— «Союз—27» орбитал комплекси билан Ер атрофи орбитасида туташтирилаётган пайт тасвирланган. Иккинчи маркада эса Ер ва қўниш кутилаётган жойга учиб кетаётган вертолёт фонида «Союз» кемасининг туширилувчи аппарати очиқ парашют билан акс эттирилган. Шу туркумдаги дастлабки марка ялтироқ қоғозга чиқарилган бўлиб, ундаги расмда космонавтлар Алексей Губарев билан Владимир Ремек «Союз—28» кемасига кўтарилиш олдидан тасвирланган.

Мана шу туркумдаги уччала миниатюрага СССР ва ЧССР давлат байроқлари ҳамда «Интерносмос» эмблемаси туширилган.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

30 МАРТ, 1978 й.

ХИМИЯ ТУРМУШИМИЗДА

Химиянинг мўъжизалари бизга чиройли ва нафис ҳамда пишиқ ва ғижимланмайдиган синтетик газламаларни совға қилди.

Бундай материаллардан тикилган кийимлар ҳамон оммалашиб бормоқда. Бу тасодифий эмас. Чунки кримплен, трикотин, нейлон, сунъий шойидан тикилган костюмлар, кўйлаклар, шимлар, кофталар, жуда ҳам қулай бўлиб, осон ювилади, тезгина қурийди, ёзда қовжираб кетмайди. Лекин ювилганидан кейин газлама баданга ёпишадиган, ғичирлайдиган ва учқун чиқарадиган бўлиб қолади.

Ана шундай ҳолатлардан қандай қилиб қутилиш мумкин?

«ЛАНА-1» ва «АНТИСТАТИК-2» — антистатик воситалар синтетикадан қилинган буюмлардаги электрланиш ҳолатларини тезгина йўқотаолади.

«ЛАНА-1» — аэрозоль идишида чиқарилаётганлиги учун ҳам керакли буюмларга тезгина ишлов бераолади. Баллончадаги қалпоқчани олиб, пуркагичи боссангиз кийимларга сепилади.

«ЛАНА-1» препарати билан гулли ва сидирға рангли газламадан тикилган кийимларни қайта ишловдан ўтказиш мумкин.

«АНТИСТАТИК-2» оқ газламаларнинг рангини очади, гулли газламаларга эса жозиба киритади.

ОЛМАЛИҚДАГИ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ «ЛАНА-1» ВА «АНТИСТАТИК-2» АНТИСТАТИК ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

УЛАРНИ МАГАЗИНЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ БЎЛИМЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

КВАРТИРАНГИЗДА МИКРОИҚЛИМ

ЭНГ ЖАЗИРАМА ЁЗ КУНЛАРИ «БК—1500» МАЙШИЙ КОНДИЦИОНЕРИ КВАРТИРА ВА ХИЗМАТ КАБИНЕТИДА СИЗ УЧУН ЗАРУР САЛҚИНЛИКНИ ТАЪМИНЛАБ БЕРАДИ.

КОНДИЦИОНЕР ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАЪМИНЛАБ БЕРАДИ:

— ҳавони совутиш;
— ҳароратни белгиланган даражада автоматик равишда сақлаб туриш;
— ҳавони чангдан тозалаш;
— ҳаво намлигини пасайтириш.

Кондиционер ҳона ичидаги ҳароратни 8—10 градусгача пасайтириб бераолади. «Вентиляция» режимида эса, ташқаридан соф ҳаво оқимининг киришига хизмат қилади.

Янги «БК—1500» моделида ротация типидаги компрессор ўрнатилган. У деярли шовқинсиз ишлайди, кам электр қуввати сарфлайди.

Кондиционер дераза тавақасига осон ва енгил ўрнашади, кўп жой эгаллаймайди. «БК—1500» замонавий жиҳозланган ва у хонанинг умумий кўринишига ҳалал етказмайди.

Кондиционернинг монтаж қурилмаси билан биргаликдаги баҳоси — 442 сўм 30 тийин.

Уни ишлаб чиқараётган Боку маиший кондиционерлар заводи кондиционерларининг у сотиб олинган кундан эътиборан 2 йил мобайнида бенуқсон ишлашига кафолат беради.

«БК—1500» ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИГА САЗОВОР БЎЛГАН.

ҚУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Сизларни ЦУМга таклиф этамиз.

УНИВЕРМАГНИНГ БИРИНЧИ ҚАВАТИДА ЖОЙЛАШГАН ХОЛОДИЛЬНИКЛАР ВА КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ САВДОСИ СЕКЦИЯСИДА СИЗ «БК—1500» КОНДИЦИОНЕРИ БИЛАН ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН.

УЛАРНИ СИЗ НАҚД ПУЛГА ВА КРЕДИТГА СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ЦУМ
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

КИМЁВИЙ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ «УЗБИТХИМПЛАСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ БЎЛИМИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Плёнка полимерли материаллардан маҳсулотлар тайёрлаш ва ишлаб чиқариш, лабораториясининг мудири;

пластмасса маҳсулотларига жило бериш секторининг катта илмий ходими ва кичик илмий ходими.

КОНКУРС МУДДАТИ — 20 АПРЕЛГАЧА.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Чоштепа кўчаси, 275-уй, Телефон: 53-09-34.

«СОЮЗХИМВОЛОКНО» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ХИМИЯ ВА ПАХТА ЦЕЛЛЮЛОЗАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

химия технологияси жараёнида ва аппаратлари лабораториясининг мудири;

ацетат толалар ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш бўйича катта илмий ходим.

Конкурсда мазкур мутахассисликдаги фан докторлари ва кандидатлари қатнаша оладилар.

КОНКУРС МУДДАТИ 15 АПРЕЛГАЧА.

Конкурс ҳақидаги низомга мувофиқ ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳар, ГСП, М. Горький проспекти, 1-уй, Телефон: 62-55-47.

ТЕАТР — КИНО

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 30/III да **Анда** (19.00), 31/III да **Этик кийган мушук** (12.00), **Жизель** (19.00), 1/IV да **Катта концерт** (13.00 да, билетлар сотилган), **Севилья сартароши** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да **Кўрмайин босдим тиконни** (19.00), 31/III да **Келинлар қўзголони** (12.00), **Саҳро тор** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/III да **Қўлга тушмаган ўғрими?** (19.30), 1/IV да **Шаҳзода ва етим қиз.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги Москва цирки артистларининг гастролларн** (12, 16, 19.30).

30 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Қасоскор** (катта, зал, кечқурун).

Қасоскор— «ЧАЙКА» (18.30, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (18.30), «МОСКВА» (17, 20.00), «ДРУЖБА» (17.30, 18.30, 20, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18.30, 21.00), «НУКУС» (18.30, 21.00), «ВОСТОК», «ҚОЗОҒИСТОН» (кечқурун).

31 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Қасоскор** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Қасоскор — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11, 15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ун икки стул — «ИСКРА» (19.30).

Тиль ҳақида афсона — «ПИОНЕР» (14, 17, 20,00).

Севиқ ва яшамоқ даври — «МИР» (жуфт соатларда).

Таҳдир — «ТИНЧЛИК» (кундуз ва кечқурун).

БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

БУ СЎЗ ЭНДИЛИКДА «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ПОЙТАХТ АҲОЛИСИ УЧУН ЯНАДА ОДАТ ТУСИГА КИРАДИ.

Эндиликда қуйидаги телефон номерларидан бирини теришнинг ўзи кифоя: 33-56-58, 96-37-41, 44-53-15, 44-61-45 ва диспетчер

БУЮРТМАНГИЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Белгиланган вақтда уйингизга фабрика вакили кириб келади ва буюртмангизни тозалаш учун олиб кетади.

МАНА БИР НЕЧА ҚУШИМЧА СПРАВКАЛАР:

— Буюртмалар буюртмачининг қайси районда яшашидан қатъий назар, дам олиш куннисиз ҳар куни соат 8.00 дан 20.00 гача қабул қилинади;
— тозалаб бериш учун камида 5 буюм қабул қилинади;
— ҳақ тўлаш одатдаги тариф бўйича;
— уйга чақириш ва ҳар бир буюмни қайтариб уйга элтиб бериш учун қўшимча 50 тийин ҳақ ундирилади;
— буюртмани бажариб бериш муддати— 7 кун;
— буюмлар тозалаб берилгач, агар у буюртмачининг айби билан ўз вақтида қабул қилинмаса, у ҳолда фақат фабрикининг ўзидан қуйидаги адрес бўйича олиб кетилади; Западний кўчаси: 1-уй (18-автобус, 7, 14, 24-трамвайлар).

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ: ЎЗ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ КАСБЛАРНИНГ БИРИ

Ҳозирги кунда сотувчилик касби — махсус билим, меҳнат малакаси ва катта тажрибани тақозо қилувчи энг кўп тарқалган ва оммавий касбларнинг бири.

Сотувчи ҳар дақиқа кишилар билан ҳушмуомалада ва ўзига хос кўмакда бўлади. Яхши сотувчи фақат у ёки бу товарнигина савдо қилиб қолмай, шу билан бирга уларнинг қадри ва ҳар қандай янгиликлар билан таништириб бормоғи лозим. Буннинг учун сотувчи ҳар томонлама билимли, кишилар билан ҳар дақиқадаги мулоқатда эътиборли, ғамхўр бўлиши лозим.

АЙНИҚСА, ЗИЙРАКЛИК ВА ЖОЗИБАЛИ СЎЗ ЭГАСИ БЎЛМОҚЛИК ЖУДА ҲАМ МУҲИМ. БУ АЙНИҚСА АЕЛЛАРГА ХОС ФАЗИЛАТДИР.

ШУНИНГ УЧУН ҲАМ
«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА
ҚИЗЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

АЗИЗ ҚИЗЛАР! АГАРДА СИЗ САВДОДА ИШЛАШГА ҚАРОР БЕРГАН БЎЛСАНГИЗ,

«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА

УҚИШГА КЕЛИНГ.

Бу ерда Сиз 6 ойлик қизиқарли ўқиш ва меҳнат практикаси мобайнида озиқ-овқат товарлари сотувчиси касбини эгаллаб чиқасиз.

«Ширин» савдо корхонаси асосидаги меҳнат мактабидир.

3 ой мобайнида юқори малакали ўқитувчилар, сизларга товаршунослик, савдода этика ва эстетика, экономика асослари ва совет ҳамда меҳнат ҳуқуқларидан лекциялар ўқийдилар.

Устозлар — ишлаб чиқариш мастерлари, катта сотувчилар, секцияларнинг мудирлари раҳбарлигида сизлар бевосита мактаб-магазинининг ўзида 3 ойлик практика ўтасиз. Практика келгуси ишингиз учун зарур тажриба ва меҳнат кўникмаси беради.

Ўз-ўзига хизмат методи — ҳозирги кунда савдода энг илғор метод ҳисобланади. Харидорлар ўртасида эътибор қозонган бу методга сиз «Ширин» мактаб-магазинида ўқийсиз.

Мактаб-магазинни битиргач, сиз Акмал Икромов районидаги исталган озиқ-овқат магазинида ишлаш ҳуқуқини эгаллайсиз.

«Ширин» мактаб-магазинининг маъмурияти битирувчиларнинг келгусида ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш ҳақидаги интилишларини қўллаб-қувватлайди. Ҳоҳловчилар имтиёзли шароитларда Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимига, келажакда эса совет савдоси институтига кириб ўқиш имкониятига эга бўладилар.

«Ширин» мактаб-магазинига 16 дан 28 ёшгача бўлган, 8—10 синф маълумотидаги қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Тошкентда доимий пропискада бўлиш шарт.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга ойига 65 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

«ШИРИН» мактаб-магазинига кириш учун қуйидагиларнинг бўлиши лозим: ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги ишлаб турган жойидан характеристика, мабодо бўлса, — меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см. ҳажмида).

Ҳужжатлар — соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 апрелда бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Акмал Икромов райони, «Чилонзор» массиви, 23-квартал, 42-уй (2, 33, 41, 54-автобуслар, 4, 9, 19-трамвайларнинг «Ширин» бекати).

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПРОДТОРГИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ

Агар ерости газ қувурларидан газ чиқаётганини сезсангиз бу ҳақда 48-56-24 телефони орқали ерости газ қувурлари хизматига ёки «04» ҳамда 53-73-46, 53-75-46, 53-56-19 телефонлари орқали

«ТАШГАЗ БИРЛАШМАСИНИНГ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИГА

ХАБАР ҚИЛИШИНГИЗНИ СУРАЙДИ

ЭСДА ТУТИНГ!

Ерости газ қувурларидан газ чиқиши жиддий хавф туғдиради ва у ертўлаларда, қудуқларда, шунингдек турар жой бинолари ичининг хоналарида портлаш муҳитининг ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

Ерости газ қувурларидан газ чиқиш ҳолларини бартараф этиш юзасидан ўз вақтида кўрилган чора — хавфсизлигингиз гаровидир.

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

31 МАРТ — ЖЎМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Болалар учун. «Флиппер». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. (АҚШ). 9-серия. 10.40 «Звездочка». Болалар учун киноальманах. 11.30 «Концерт-вальс». 11.55 «Китоб ҳафталиги». 15.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.35 «Қўшиқ қанотида». Фильм-концерт (Тошкент). 16.05 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.45 «Москва ва москвaликлар». 17.15 «Одамлар, мен катта бўляпман» туркумидан. «Ижро этилмаган роль». Телевизион спектакль премьераси. 2-қисм.

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Тим лақабли машҳур ўрдакча». Мультфильм. 19.10 «Иттифоқдош республикалар конституцияларининг лойиҳалари тўғрисида суҳбатлар». 19.40 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси. 20.45 Оригинал жанр артистлари иштирокида эстрада программаси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Бокс бўйича халқаро учрашув. СССР—АҚШ терма командалари. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси.

МАКТАБ УҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.30 «Биз қувноқ болалармиз». Фильм-концерт. 11.55 «Светофор». 12.35 «Диққат, тошбақа!». Бадиий фильм. 14.15 «Ғазал оқшоми». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 17.35 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.10 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 70-йиллар комсомолларимиз» (рус.). 18.40 «Саодатнома». Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. 19.05 «Гўзаллик билан учрашув». Телевизион ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Навоий номли Давлат Академик Катта театри ёш балет артистларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Дон Сезар де Базан». Кинокомедия (рус.). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Қаландининг учи». Бадиий фильм. 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун». 21.00 «Самад Вурғун». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Она шаҳрим — Тошкентим». 22.00 «Кўкламдан кўкламгача». «Ғарбий чегарада». Телевизион ҳужжатли фильмлар.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
30 МАРТ, 1978 й.
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета
БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, маитаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.
Р—06805. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1275.